



«TIBBIY TA'LIM TRANSFORMATSIYASI: MEGATRENDLAR»

*mavzusidagi XVII xalqaro
o'quv-uslubiy konferensiya
materiallar majmua*

Toshkent-2021, 29-30 dekabr



Konferensiya tashkilotchilari:

TTA rektori Shadmanov A.K., O'quv ishlar bo'yicha prorektor Boymuradov Sh.A., O'quv – uslubiy bo'lim boshlig'i Massavirov Sh.Sh., t.f.n., dotsent Avezova G.S.

Toshkent tibbiyot akademiyasida **“Tibbiy ta'lim transformatsiyasi: megatrentlar”** (“Transformatsiya meditsinskogo obrazovaniya: megatrendy”) mavzusidagi halqaro o'quv-uslubiy tibbiyot konferensiyasi o'tkazildi.

Bugungi kunda raqamli transformatsiya deyarli har qanday faoliyat sohasiga taalluqlidir. Zamonaviy texnologiyalar an'anaviy ta'lim bilan o'qitishni amalga oshirib bo'lmaydigan usullardan foydalanishga imkon berayotgani, ya'ni axborot texnologiyalar tobora o'sib kelayotgan avlod uchun muhim tafakkur vositasiga aylanib borayotgani hech kimga sir emas. “O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 08.10.2019 yildagi PF-5847-sonli Farmoni qabul qilingan, bo'lib Konsepsiyada oliy ta'lim muassasalarida o'quv jarayonini bosqichma-bosqich kredit-modul tizimiga o'tkazish; oliy ta'lim muassasalarida ta'lim, fan, innovatsiya va ilmiy-tadqiqotlar natijalarini tijoratlashtirish faoliyatining uzviy bog'liqligini nazarda tutuvchi «Universitet 3.0» konsepsiyasini bosqichma-bosqich joriy etish vazifalari belgilangan.

Toshkent tibbiyot akademiyasida 29-30 dekabr kunlari halqaro o'quv-uslubiy tibbiyot konferensiyasi ham aynan shunday dolzarb mavzuga bag'ishlangan bo'lib, “..muallim, muallim, muallim,...tibbiyot, tibbiyot, tibbiyot” shiori ostida o'tmoqda. Konferensiyada Mamlakatimizdagi 11 ta tibbiyot oliygohlari va ularning filiallaridan professor-o'qituvchilar ishtirok etdilar. Dunyoning yetakchi tibbiyot universitetlari xususan, Litfa, Rossiya, Finlyandiya professorlari o'zlarining ma'ruzalari bilan ishtirok etdilar.

Halqaro o'quv-uslubiy konferensiyada oliy tibbiy ta'limning rivojlanish tendensiyasida raqamlashtirish, kredit –modul tizimi hamda simulyatsion o'qitishning o'rniga bag'ishlangan muammolar va ularning yechimi masalalari ko'rib chiqildi.

Tibbiyot oliy o'quv yurtlarining ustuvor vazifasi talabalarga bilim berish jarayonida ularning kasbiy tayergarligini hozirgi zamon talablari darajasida rivojlantirish, ularda zarur bilim, ko'nikma va malakalarni zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan unumli foydalangan holda shakllantirishdan iborat. Hozirgi globallashuv jarayonining ilmiy-texnikaviy sohada o'zining ta'sirini ko'rsatishi hamda zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini jadal sur'atda amaliyotga joriy etilishi, mamlakatimizda tibbiyot kadrlarini tayyorlash tizimining sifatini yanada oshirishga turtki bo'lmoqda. Bu esa, zamonaviy o'qitish texnologiyalariga ilmiy jihatdan metodik yondashuvlar talabalarning kasbiy mahorati, dunyoqarashini jadal shakllantirdi.

Ushbu to'plamda tibbiy ta'limda raqamlashtirish, ta'limda innovatsion pedagogik texnologiyalarni qo'llash, tibbiy ta'limdagi muammolar, masofaviy ta'lim, uning afzalliklari va muammoli jihatlari, shuningdek tibbiyotning dolzarb muamomalariga bag'ishlangan materiallar keltirilgan.

Keltirilgan dalillar, ixtiboslar va statistik ma'lumotlarning haqqoniyligi uchun mualliflar mas'uldir.



I. TIBBIY TA'LIM



НЕОНАТОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА СИМУЛЯЦИОН ТАЪЛИМНИНГ АХАМИЯТИ

Исканова Г.Х., Каримжонов И.А., Ташкенбаева У.А., Эгамова С.Ш.
Тошкент тиббиёт академияси. Тошкент

Исканова Гулшан Холдоровна- ТТА 2-сон болалар касалликлари кафедраси доценти, т.ф.н.

Каримжонов Илхом Асомович- ТТА 2-сон болалар касалликлари кафедраси мудири, профессор, т.ф.д.

Ташкенбаева Умида Алишеровна-ТТА хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори, профессор, т.ф.д.

Эгамова Сайёра Шавкатовна-ТТА - 1 сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти

Олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича Олий таълим тизимини 2017 - 2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури қарор билан тасдиқланди. 2017 йил 27 июль ПҚ-3151-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори қабул қилинди. 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ 3171-сонли қарорида «Тошкент тиббиёт академияси негизида ўқув-симуляцион лабораториялари ташкил этиш» банди ижросини таъминлаш мақсадида ўқув-симуляцион лаборатория очилди [1,2,3,4,5,6]. Ўқув жараёнига муляжлардан фойдаланишни киритишда унинг бошқарувчиси бўлган педагог кўзлаган мақсадга эришишнинг бош қафолатчиси бўлади. Муляжлардан фойдаланишни таълим тизимига жорий этишда унинг бошқарувчиси бўлмиш педагогнинг тайёргарлик даражасини биринчи ўринга қўйиш лозим. "Неонатология" фанини ўқитишда муляжлардан фойдаланиш орқали ўқув жараёнларида таълим-тарбия мазмуни, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ўзида мужассамлаштирадиган ўқув жараёндир. Ўз мутахассислиги бўйича ўзлаштирган билимидан қатъий назар, педагог таълим жараёнига қадам кўяр экан, педагогик - психологик билимлар, педагогик технологиялар, педагогик маҳорат, педагогик маданият ва ўқитиш-ўргатиш услублари йиғиндиси бўлган зарур педагогик кўникмаларни эгаллаган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида рўй бераётган туб янгиланишлар ҳар бир таълим муассасасида ўқув жараёни методик таъминотини ривожлантиришни талаб этади. Дарс жараёнини ташкил этишда компьютердан фойдаланиш ўқитувчи ва талабаларга интерфаол ўқув қўлланмалари билан боғлиқ бўлган янгидан - янги ўзига хос қулайликлар яратади. Компьютерни бошқа ўқитиш воситалари масалан, проектор, электрон доскалар билан оператив қўшилиши, кўргазмали куроллардан фойдаланиб маълумот бериш ҳажмини оширади ва бу билан ўқитувчи учун дарс вақтидан унумли фойдаланишга имконият яратади.

Toshkent tibbiyot akademiyasining «Tibbiy ta'lim transformatsiyasi: megatrentlar» mavzusidagi halqaro konferensiya materiallar to'plami, 2021 yil 29-30 dekabr

Тиббиёт соҳасидаги барча фанлар каби Неонатология фанини ўқитишида ҳам индивидуал хусусиятларини, имкониятларини ҳисобга олган ҳолда фанни ўқитишда муляжлардан фойдаланиш, амалий машғулотларни давлат таълим стандартлар талабларига мувофиқ ташкил этишнинг энг самарали усули ҳисобланади. Неонатология фанини ўқитишда муляжлардан фойдаланиш асосида машғулотларни ташкил қилиш бўйича берилган таърифлар хилма-хилдир. Мазкур фанни ўқитишда муляжлардан фойдаланган ҳолда амалий машғулотларни ташкил қилиш – бу, таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли усулидир.

Неонатология фанини ўқитишда муляжлардан фойдаланиш асосида амалий машғулотларни ташкил қилиш бўйича билдирилган фикрларни умумлаштирсак, педагогнинг касбий фаолиятида энг замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билим олиш сифатини яхшилаш, талаб этилган билим даражасига эришиш учун таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаштиришдан иборат деб тушуниш мумкин. [7,8,9,10].

Текширувнинг мақсади. Неонатология фанини ўқитишда замонавий симуляцион марказларда муляжлар ва симуляторлардан фойдаланган ҳолда амалий машғулотларни ташкил қилиш методларининг самарадорлигини аниқлаш.

Материал ва услублар. Симуляцион таълимнинг афзаллигини аниқлаш мақсадида 2021 йилнинг сентябр-ноябр ойларида даволаш факултетининг 154 нафар 6 курс талабалари “Неонатология” фанини ўқиш вақтида анкета сўровларида иштирок этиб ўз фикрларини билдирдилар. Анкета сўровлари ёрдамида таълим усули самарадорлигини аниқлаш социологияда кенг қўлланиладиган усуллардан биридир. Талабалар билан ишлаш жараёнида симуляторлар, муляжлар ва беморларда амалий кўникмаларни бажаришни самарадорлиги, қулай томонлари, камчиликлари тўғрисида очиқ ва ёпиқ саволлар берилди. Талабалар симулятор ва муляжларда “Шартсиз рефлекслар”, “Юрак ўпка реанимацияси”, “Нафас йўлларида ёт жисмни чиқариш”, “Анафилактик шок”, “Апгар шкаласи” каби ўқув режага мос амалий кўникмаларни бажардилар. Текширув натижалари шунини кўрсатдики (1 жадвал, 1 расм) муляжларда ва симуляторларда талабалар амалий кўникмаларни эркин бажарганлар (60 ва 80%), амалий кўникмани автоматизмга чиқариш муляж ва роботларда юқори даражани кўрсатган.

1 жадвал.

Амалий кўникмаларни бажариш самарадорлигини аниқлаш (%да)


Бажариш усуллари	Эркин бажариш	Қайта алоқа	Автоматизм	Эсда сақлаб қолиш
Муляжларда	80	0	100	70
Робот симуляторларда	60	100	100	95
Беморларда	20	85	50	85

Қайта алоқа эса (100%) фақатгина робот симуляторларда юқори натижани кўрсатган. Беморлар билан ишлаганда эса қайта боғланиш ва эса сақлаб қолиш самарадорлиги юқори бўлган.

Бундай ўқитиш жараёнида талабалар интерфаол режимда мустақил ўқув-услубий материалларни ўзлаштирганлиги, назоратдан яхши ўтганлиги, педагогни бевосита раҳбарлигида назорат ишларини бажариши ва гуруҳдаги бошқа талабалари билан мулоқотда бўлиши яхши натижани берган.

Талабаларга муляжлардан фойдаланиш орқали таълим бериш, ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келди. Талабалардан симуляторларда бажарилиши яхши самара берадиган таълим усуллари сўралганда улар конкрет ситуацион ҳолат, гуруҳларда ишлаш, ролли ўйинларни қўлланилишига юқори баҳо берганлар (1- расм).

Таълим усуллари ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиққан ҳолда танлаш мақсадга мувофиқ саналади. Амалий машғулотлар вақтида муляжлардан фойдаланишва ноанъанавий таълим усуллари қўллашда анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим оловчилар фаолиятини фаоллаштирадиган усуллар билан бойитиш, таълим оловчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Ахборот оқими суръати тезлашган бир пайтда ўтилаётган ҳар бир дарс ранг-баранг бўлмаса, талаба эътиборини билимга жалб этиш мушкул. Бунинг учун ўқитувчи тинмай изланиши, ижодкор бўлмоғи даркор. Дарсларда янги маълумотларни етказишдан аввал ўқитувчи уларнинг дастлаб олган билимларини, тасаввурларини аниқлаштиради, бир тизимга солади, олинган билимлар ҳар хил кўргазмали воситалар, слайдлар, мультимедиа, тарқатма материаллар, қўшимча адабиётлар билан мустаҳкамлаган ҳолда амалий кўникмаларни муляжлардан фойдаланган ҳолда талаба онгига сингдириб боради.



1 расм. Симуляторларда ишлатиладиган таълим усуллариининг самарадорлиги

Муляжлардан фойдаланишгаоид билим, тажрибалар келажакда талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Муляжлардан фойдаланган ҳолда ўқитишни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт ичида муайян назарий билимларни талабаларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан амалий кўникма, малакаларни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлашдир. Улар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакалар даражасини баҳолаш педагогдан

юк сак педагогик маҳорат талаб этади. Бу муҳим вазифани амалга ошириш таълим муассасаларида ўқитишнинг анъанавий методларини илғор инновацион педагогик технологиялар билан қўшиб олиб боришни тақозо этади.

Маълумки, бугунги кунда давлатимиз таълимга имқон қадар кўп янгилик киритишга интиломда. Киритилаётган янгиликлар ягона ва узлуксиз таълим тизимини ташкил этувчи таълим тури мактабгача таълим тизимидан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида ҳам ўз аксини топган. Бугунги янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий ёндашувни талаб этади. Муляжлардан фойдаланган ҳолда таълим беришнинг асосий мақсади таълим олувчиларда келажакка масъулият ҳиссини ва ўз-ўзига ишончни шакллантиришдир. Муляжлардан фойдаланишни амалий машғулотга киритишда унинг бошқарувчиси педагог ҳисобланади ва у бош қафолатчи бўлади. Муляжлардан фойдаланишнинг асосий негизи бўлган симуляцион марказларни таълим тизимига жорий этиш унинг бошқарувчиси бўлмиш педагогнинг тайёргарлик даражасини биринчи ўринда ҳал қилиш бугунги кунда долзарб муаммолардан бирига айланди.

Тараққий этган хорижий давлатлар ва республикамиздаги етакчи таълим муассасаларида муляжлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш сифат жиҳатидан янги ўқитиш воситалари бўлиб улар анъанавий ўқитиш методларидан тубдан фарқ қилишни кўрсатмоқда.

Бугунги кунда таълимда педагогни ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки билимларни эгаллаш манбаларидан бирига айланиб қолаётганлиги бўлса, иккинчидан, илмий-техник тараққиётнинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин ортиб бораётганлиги ва улардан ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги, шунингдек, талабаларни касбий фаолиятга мукамал тайёрлаш талаблари таълим тизимига муляжлардан фойдаланиш жорий этишни тақозо этмоқда.

Натижалар.

Анкета сўровларида 2021 йилнинг сентябр-ноябр ойларида даволаш факултетининг 154 нафар талабалари иштирок этиб ўз фикрларини билдирдилар. Анализ учун тавсия этилган материал жуда оригинал бўлиб симуляцион таълимнинг нақадар самарадорлигини кўрсатиб берди. Талабалар симуляторларда ишлаш жараёнида ўзларини эркин ҳис қилганликларини ва қайта боғланув бўлганлигини юқори баҳолаганлар. Шуни айтиш жоизки, бемор чақалоқларни текширганда оналарнинг қаршилиқ билдиришлари талабалар учун доимо кўрқувнинг пайдо бўлишига олиб келган. Оддий муляжлар билан ишлаганда талаба амалий кўникмани тўғри ёки нотўғри бажараётганлигини фақат ўқитувчи ёрдамидагина билса, робот симуляторда ўқитувчига эҳтиёж ҳам йўқ, чунки таълим олувчи компьютерда ўз фаолияти натижаларни кўриб туриш мумкин. Барча талабалар ўз кучларини синаб кўра олганлар ва амалий кўникмаларни автоматизм даражасига чиқаришга ҳаракат қилганлар, бундан хулоса шуки, симуляцион ўқиш айнан шахсга йўналтирилган бўлиб бу ўқиш турида ҳеч қайси талаба четда қолмайди.

Хулоса.

Бугунги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни кўпроқ назарий билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, муляжлардан фойдаланиш уларнинг эгаллаётган билимларини муляжларда шу амалий кўникмаларни мукамал эгалагуча такроран бехато бажаришлари,